

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI**305 2014 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларининг насос-куч асбоб-ускуналарини босқичма-босқич янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда сув хўжалигида замонавий энергияни тежайдиган технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда ўтказилган сув хўжалиги ташкилотларининг насос станциялари насос-куч асбоб-ускуналарини ялпи хатловдан ўтказиш натижасида:

сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг маънавий ва физик эскирган, замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган 3944 та (81%) электр двигателлари;

сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг маънавий ва физик эскирган, 2014 — 2018 йиллар мобайнида биринчи навбатда алмаштирилиши талаб этиладиган 1297 та (32,9%) электр двигателлари;

насос станцияларининг эскирган электр двигателлари томонидан электр энергиясининг ортиқча истеъмоли замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага таққослаганда 10 — 15 фоизгачани ташкил этиши аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларида насос-куч асбоб-ускуналарини янгилаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

2014 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг электр двигателларини босқичма-босқич алмаштиришнинг прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2014 — 2018 йиллар даврида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларида насос-куч асбоб-ускуналарини янгилаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича 3-иловага мувофиқ мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ:

хар йили 1 апрелгача сув хўжалиги ташкилотларининг насос-куч асбоб-ускуналари техник ҳолати хатловини ташкил этилиши ва ўтказилишини;

хар йили 1 июнгача Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларининг электр двигателлари замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган устувор насос станциялари рўйхатлари кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарларининг насос-куч асбоб-ускуналарини янгилаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, электр двигателларини босқичма-босқич алмаштиришнинг прогноз параметрларини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари ҳар чоракда эшитилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

хар йили 1 декабргача — сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг электр двигателларини замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштириш бўйича батафсил тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва Молия вазирлиги билан келишилишини, тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2014 — 2018 йиллар даврида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг электр двигателларини босқичма-босқич алмаштиришнинг тасдиқланган прогноз параметрлари доирасида замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускуналар белгиланган тартибда сотиб олинишини;

сув хўжалиги ташкилотларининг насос станцияларидан фойдаланиш ва электр энергиясининг ажратилган лимитларидан оқилона фойдаланиш устидан қатъий мониторинг олиб бориш режими «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлари ҳокимликлари билан келишган ҳолда ҳар йили тасдиқланишини;

хар йили 1 февралгача — насос-куч асбоб-ускуналарини янгилаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш, шунингдек сув хўжалиги ташкилотларида электр энергияси лимитлари тўғрисидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2014 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузишда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича насос-куч асбоб-ускуналарини босқичма-босқич янгилашга, шу жумладан электр энергиясига ҳақ тўлашга харажатлар бўйича бўшаб қоладиган маблағларни ҳисобга олган ҳолда сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг электр двигателларини алмаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

23 (575)-сон

— 51 —

305-модда

ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш назорат қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Р. Хамраев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 5 июнь,
158-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 5 июндаги 158-сон қарорига
1-ИЛОВА

305-модда

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларида насос-куч асбоб-ускуналарини янгилаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланишга доир комплекс ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Зарур маблағлар	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар
I. Насос-куч асбоб-ускуналари ишлашининг ишончилигини ошириш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш					
1.	Устувор насос станцияларини, энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган электр двигателларини танлаш бўйича идоровий тартибни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2014 йил 1 августгача	харажатлар талаб қилинмайди		Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), «Ўзбекэнерго» ДАК (Раимов), Молия вазирлиги (Абдуллаев), Тошкент ирригация ва мелиорация институти (Хамидов), Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институти (Муратов)
2.	Сув хўжалиги ташкилотларининг насос станцияларида энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни жорий этиш самарадорлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2014 йил 1 августгача	харажатлар сметасига мувофиқ	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бюджет маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), «Ўзбекэнерго» ДАК (Раимов)
3.	Насос станцияларидан фойдаланиш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича амалдаги йўриқномаларни тўплаш ва таҳлил қилиш.	2013 йил 1 июлгача	харажатлар талаб қилинмайди		Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), «Ўзбекэнерго» ДАК (Раимов)
4.	Насос станцияларидан ишончли фойдаланишни ва уларни замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштириш ҳисобга олинган ҳолда сув хўжалиги ташкилотларида электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича намунавий йўриқномаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва босқичма-босқич янгилаш.	2014 — 2018 йиллар даврида жадвалга мувофиқ	харажатлар сметасига мувофиқ	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бюджет маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), «Ўзбекэнерго» ДАК (Раимов)
5.	Сув хўжалиги ташкилотларининг ҳар бир насос станцияси учун уларнинг аниқ техник параметрларини ҳисобга олган ҳолда ишончли фойдаланишни таъминлаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича йўриқномаларни тайёрлаш ва тасдиқлаш.	2014 — 2018 йиллар даврида тасдиқланган жадвалга мувофиқ	харажатлар сметасига мувофиқ	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бюджет маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), худудий насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари йўналиши, 2013 й.

— 52 —

23 (575) -сон

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Зарур маблағлар	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар
II. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларининг электр двигателлари замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган устувор насос станциялари рўйхатларини тузиш ва тасдиқлаш					
6.	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларининг насос станциялари насос-куч асбоб-ускуналарининг техник ҳолатини хатловдан ўтказиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этиш ҳамда уларни замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштириш, шунингдек электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш.</p> <p>Насос станцияларининг насос-куч асбоб-ускуналари техник ҳолатини хатловдан ўтказиш.</p> <p>Насос-куч асбоб-ускуналарининг фойдаланиш параметрларини тўплаш ва таҳлил қилиш.</p>	<p>ҳар йили 1 февралгача</p> <p>ҳар йили 1 апрелгача</p> <p>ҳар йили 10 апрелгача</p>		<p>вазирликлар ва идораларнинг ўз маблағлари</p>	<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), «Ўзбекэнерго» ДАК ҳудудий бўлинмалари (Басидов), Молия вазирлиги (Абдуллаев) ва Иқтисодиёт вазирлиги (Шерматов) ҳудудий органлари, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институти (Муратов), «Ўзсувлойиҳа» ОАЖ (Нажимов) Ҳудудий ишчи гуруҳлар</p> <p>Ҳудудий ишчи гуруҳлар</p>
7.	<p>Сув хўжалиги ташкилотларининг электр двигателлари бўлажак йилда энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган насос станциялари рўйхатини тайёрлаш.</p> <p>Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг сув хўжалиги кенгашида сув хўжалиги ташкилотларининг электр двигателлари бўлажак йилда энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган насос станциялари рўйхати тақдимотини ўтказиш ва кўриб чиқиш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига киритиш.</p>	<p>ҳар йили 10 апрелгача</p> <p>ҳар йили 1 майгача</p>	<p>харажатлар талаб қилинмайди</p>		<p>Ҳудудий ишчи гуруҳлар</p> <p>Ҳудудий ишчи гуруҳлар, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари</p>
8.	<p>Ҳудудий таклифларни таҳлил қилиш ва сув хўжалиги ташкилотларининг электр двигателлари бўлажак йилда энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган насос станциялари рўйхатини тузиш.</p> <p>Сув хўжалиги ташкилотларининг электр двигателлари замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган устувор насос станциялари рўйхатларини кўриб чиқиш ва мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳнинг баённомаси билан тасдиқлаш.</p>	<p>ҳар йили 15 майгача</p> <p>ҳар йили 1 июнгача</p>	<p>харажатлар талаб қилинмайди</p>		<p>Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев)</p> <p>Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Зарур маблағлар	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар
	Сув хўжалиги ташкилотларининг электр двигателлари бўлажак йилда энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган устувор насос станцияларининг тасдиқланган рўйхатини кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига киритиш.	ҳар йили 10 июнгача			Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев)
III. Сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг насос-куч асбоб-ускуналарини замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага янгилаш					
9.	Сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг электр двигателларини замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускунага алмаштириш бўйича батафсил тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва Молия вазирлиги билан келишиш ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	ҳар йили 1 декабргача	харажатлар талаб қилинмайди		Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев)
10.	Сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларининг замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарини етказиб бериш ва шеф-монтаж ишларини амалга ошириш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш юзасидан танлов савдолари ташкил этиш.	тармоқ жадвалларига мувофиқ	харажатлар сметасига мувофиқ	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бюджет маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Мирзабаев), Молия вазирлиги (Абдуллаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Туляганов), Турон банк (Алимов)
11.	Замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва уларнинг шеф-монтаж қилиш бўйича контрактлар пудрат ташкилотлари томонидан сифатли ва ўз вақтида бажарилиши устидан қатъий назоратни амалга ошириш.	контрактлар шартларига мувофиқ	харажатлар талаб қилинмайди		Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси
12.	Сув олиш лимитлари билан боғлиқликда сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларидан фойдаланиш режими «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан келишган ҳолда тасдиқлаш.	ҳар йили 10 октябргача ва 10 апрелгача	харажатлар талаб қилинмайди		Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), «Ўзбекэнерго» ДАК (Басидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
13.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарларининг насос-куч асбоб-ускуналарини янгилаш ва электр энергиясидан оқилona фойдаланиш, электр двигателларини босқичма-босқич алмаштириш, шунингдек уларнинг самарадорлиги прогноз параметрларини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини ешитиш.	йил чораги якунлари бўйича	харажатлар талаб қилинмайди		Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Зарур маблағлар	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар
14.	<p>Сув хўжалиги ташкилотларида насос-куч асбоб-ускуналарини янгилаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш.</p> <p>Сув хўжалиги ташкилотларида насос-куч асбоб-ускуналарини янгилаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, насос-куч асбоб-ускуналарини янгилашга ажратилган маблағлардан, шунингдек электр энергияси лимитларидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижаларини таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Молия вазирлигига ахборот киритиш.</p>	<p>ҳар ўн кунда</p> <p>ҳар йили 1 февралгача</p>	харажатлар талаб қилинмайди		Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси
IV. Сув хўжалиги ташкилотларининг насос станцияларида электр энергиясидан тежаб ва оқилона фойдаланиш бўйича илмий-ишлаб чиқариш ишлари					
15.	Насос станцияларининг ўз эҳтиёжларини электр билан таъминлаш учун энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш.	илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ	харажатлар сметасига мувофиқ	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бюджет маблағлари, халқаро молия, иқтисодиёт институтларининг грант маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институти (Муратов), Қуёш физикаси илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (Лутпуллаев), Тошкент давлат техника университети (Саидахмедов)
16.	Сув хўжалиги иншоотларида сув ресурсларини бошқаришда энергиянинг тикланадиган манбаларидан фойдаланиш бўйича кўргазма участкаларини ташкил этиш.				
17.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларининг насос станцияларидан фойдаланиш бўйича кадрлар малакаси мунтазам равишда оширилишини ташкил этиш.				

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 5 июндаги 158-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2014 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги
ташкilotлари насос станцияларининг электр двигателларини
босқичма-босқич алмаштиришнинг прогноз
ПАРАМЕТРЛАРИ**

дона

№	Сув хўжалиги ташкilotлари номи	2014 — 2018 йилларда жами	шу жумладан йиллар бўйича:				
			2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Қорақалпоғистон НСЭваАБ*	83	13	15	16	18	21
2.	Беруний НСЭваАБ	29	4	5	6	7	7
3.	Андижон НСЭваАБ	89	14	15	18	20	22
4.	Бухоро НСЭваАБ	42	5	12	5	12	8
5.	Жиззах НСЭваАБ	36	4	6	7	9	10
6.	Қашқадарё НСЭваАБ	87	14	15	17	19	22
7.	Навий НСЭваАБ	64	13	18	19	14	0
8.	Наманган НСЭваАБ	157	24	27	30	34	42
9.	Самарқанд НСЭваАБ	115	15	16	19	21	44
10.	Сирдарё НСЭваАБ	31	5	6	6	7	7
11.	Сурхондарё НСЭваАБ	72	19	18	19	10	6
12.	Тошкент НСЭваАБ	65	10	11	13	15	16
13.	Фаргона НСЭваАБ	229	35	40	45	51	58
14.	Хоразм НСЭваАБ	145	22	25	29	32	37
15.	Аму-Бухоро машина каналини ишлатиш бошқармаси	25	3	4	5	6	7
16.	Қарши машина каналдан фойдаланиш бошқармаси	10	1	2	2	2	3
17.	«Мирзачўл» насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси	18	3	4	4	3	4
Жами		1297	204	239	260	280	314

* насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 5 июндаги 158-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2014 — 2018 йиллар даврида Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларида насос-куч асбоб-
ускуналарини янгилаш ва электр энергиясидан оқилона
фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга
оширилишини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи
ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

- Хамраев Ш. — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари,
мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ раҳбари
- Абдуллаев М. — Молия вазирининг ўринбосари
- Шерматов С. — Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
- Раимов Р. — «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси
раисининг ўринбосари
- Муродов Х. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Энергетика ва автоматика илмий-текшириш
институти директори
- Рахимов Ш. — Тошкент ирригация ва мелиорация институти
ҳузуридаги Ирригация ва сув муаммолари институти
директори в. б.
- Шомайрамов М. — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлигининг Насос станциялари, энергетика ва
алоқа бошқармаси бошлиғи
- Тошпулотов Н. — Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг
кафедра мудири

Изоҳ: мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақ-
дирда унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли фун-
кциялар юкланган шахслар киритилади.